

ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ТОПОНИМЛАРНИ ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚИТИШ БҮЙИЧА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

**Ганиева Гулноза Захировна,
Жиззах давлат педагогика институти
таянч докторанти, Ўзбекистон
19ganiyeva85@gmail.com**

Аннотация. Мазкур мақолада инглиз тилидаги топонимларни олий таълим муассасаларида ўқитишнинг ўзига хос услугий тавсиялари кўрсатилган. Шунингдек, ҳар бир тавсия учун алоҳида тарқатма намуналари ҳам берб ўтилган. Берилган барча маълумотлар чет эл тажрибаларидан келиб чиқкан ҳолда ўзбек аудиториясига мослаштирилган.

Калит сўзлар. Топонимема, интерактив, аутентик (хақиқий), интеграллашган малака ва қўникмалар.

Инглиз тилидаги жой номлари, яъни топонимик лексемаларнинг структурал-семантик турларини ўзбек олий таълими мусссасаларида ўқитиш ҳам ўзига хос бир услугий ёндашувни талаб қиласди, ваҳоланки бунда аввало уларнинг шаклий хусусиятлари, қолаверса, семантикаси, мазмуни ва функцияларига эътиборни қаратиш муҳим аҳамият касб этади [16], акс ҳолда талабалар томонидан уларнинг ўрганилиш даражаси, пухталиги, энг муҳими, тегишли ёзма ёки оғзаки нутқда талабаларда уларни онгли қўллай билиш қўникма ва малакаларини шакллантириш талаб даражасида бўлмаслиги мумкин.

Олий ўқув муассасаларида инглиз тили дарсларида “Жой номлари (Топонимлар)” мавзуси атоқли (садда, ясама, қўшма ва мураккаб) отларга бевосита дахлдор бўлиб, уларни аудиторияда ўқитишда ўқитувчи турли замонавий педагогик ва методологик технологиялардан, интерактив методлар, замонавий ахборот воситаларини кенг қўллаш орқали, шунингдек интеграллашган малака ва қўникмалар (integrated skills and habits)ни шакллантириш асосида, мавзуга оид лексик бирликларни алоҳида эмас,

балки контекст билан мунтазам боғлиқ ҳолда ўқитиш мақсадга мувофиқдир. [12, 107-112].

Куйида биз инглиз тилида топонимик лексемалар, яъни топонимемаларнинг структурал-семантик турларини ўзбек аудиторияларида интерактив методлар асосида ўқитиш бўйича айрим методик тавсиялар беришга ҳаракат қиласиз.

Биринчи фаолиятда (Handout 1дан фойдаланган ҳолда) ўқитувчи талабаларга атоқли отлардан булган жой номлари, яъни топонимемаларни ўз ичига олган аутентик (ҳақиқий) матнни 5-8 дақиқа ичида диққат билан индивидуал тарзда ўқиб, имконият даражасида уларнинг маъносини тушунишга ва дафтарга ёзишга ҳаракат қилишлари сўрайди (Handout 1, “Places of Interest (Toponymemes of Interest)” барча талабаларга тарқатиб берилади).

Иккинчи фаолиятда (Handout 2 дан фойдалагнган ҳолда) биринчи топшириқни бажариб бўлганларидан кейинги берилган 3-5 дақиқа ичида ўқитувчи томонидан доскага ёзиб қўйилган икки саволга талабаларнинг жавоблар беришлари сўралади. Талабалар 3-5 дақиқа вақт ичида топшириқни мустакил бажарадилар. Ўқитувчи матнда жами 10 та жой номини ифодаловчи лексема, яъни атоқли отлар бор эканлигини эслатиб ўтади.

Учинчи фаолиятда (Handout 3дан фойдаланган ҳолда) ўқитувчи яна берилган беш дақиқа вақт ичида ҳар бири тўрт кишидан ташкил топган групкалар талабаларидан инглиз топонимемаларининг улар томонидан топилган маъноларини ўзбек тилидаги муқобиллари билан қиёслашларини ва доскада ёзилган саволларга умумий жавоблар топишларини сўрайди.

Ўқитувчи групкалар муҳокамасини бошқариб, уларнинг фаолияти тўғри кетаётганини назорат қилиб боради, шунингдек у инглиз тилида жой номларини ифодаловчи отларнинг ўзбек тилидаги қуйидаги муқобиллари ёки эквивалентларини олдиндан тайёрлаб қўяди (Handout 3 дан фойдаланилади). (Ўқитувчи инглизча лексемаларнинг муқобилларини талабаларга кўрсатмай туради).

Тўртинчи фаолиятда яна бериладиган беш дақиқа вақт ичидаги ҳар бир гурухдан (Handout 3 да) берилган бир топонимеманинг шакли ва маъносини тушунтириб беришларини, уларнинг тил эгалари маданияти билан боғлиқ томонларига ҳам эътибор қаратишни ва доскадаги саволларнинг иккинчисига жавоб беришларини сўралади.

Ўқитувчи гурухлар томонидан берилган ҳар бир жавобни қисқача шарҳлаб беради, айниқса контекстнинг у ёки бу топонимеманинг шакл ва маъно (семантика) сини аниқлашдаги ролини, шу жумладан, талабаларнинг билимлари мажмуаси, жой номларини ифодаловчи атоқли отларнинг морфологик ва синтактик жиҳатлари бўйича олган билимларини ойдинлаштириб беради.

Бешинчи фаолиятда (Handout 4 фойдаланган ҳолда) ўқитувчи сўзларни муҳокама қилиш учун карточкаларга ва дискка ёзиб қўйилган бир қатор кўрсатмаларни 3-4 талабадан иборат гурухларга тарқатиб беради ва кейинги 5-8 дақиқа ичидаги уларни ўқиб ва эшишиб, мушоҳада қилиб, жойлар номларини (транскрипция, транслитерация, калька, парафраза(бошқа сўзлар орқали ифодалаш), таржима қилиш, тушунтириш, эксонимия каби таржима усулларидан унумли фойдаланиб, ўзбек тилига ўтиришларини тавсия этади.

Олтинчи фаолиятда (Handout 4 дан фойдаланган ҳолда) ўқитувчи ишчи гурухлар вакилларидан бирининг инглиз тилидаги жойлар номларини ифодаловчи отларнинг таржималарини берини сўрайди ва энг яхши таржималарни эътироф этади ва рағбатлантиради.

Еттинчи фаолиятда (Handout 4 дан фойдаланган ҳолда) ўқитувчи гурухларга жой номини ифодаловчи ҳар бир лексема ёки фразе-лексема билан боғлиқ 4 та гапдан иборат ҳаётий вазиятни топишларини ва уни ёзма шаклда бажаришларини сўрайди, шунингдек вазиятлар муҳокамасидан сўнг тўғри ёритилган вазият учун балл берилшини билдиради. Шу йўсинда гурухларнинг режадаги янги материални ўзлаштириш даражасига ва гурухлар фаолиятига баҳо беради [14, 12-14] ва рағбатлантириди (ваҳоланки баҳолашда талабалар фаол иштирок этишига шароит яратади, ўқитувчи

баҳоларни умумлаштиради, фаол талабалар гурухи ва аъзоларини рағбатлантиради ва машғулотга якун ясайди).

Дарснинг якунида ўқитувчи талабаларга ўзлаштирилган мавзу бўйича “муҳим” уйга вазифани топширади [2, 50-52], ваҳоланки унда қуйидаги талаблар қўйилади.

Уйга вазифа:

1) ҳар бир талабадан жой номини ифодаловчи (Handout 3 берилган) отларнинг хар бирига 2 тадан гап, жами 24 та гап ёзиш топширилади;

2) ҳар бир талабадан (Handout 3 даги) ўрганилган янги сўзларни иложи борича кўпроқ кўллаган ҳолда бирон бир жойга ташриф буюрганини ёзма шаклда ёритиши, унда шу жойга якин бўган бошқа жойларни ҳам таърифлаб ва тавсифлаб бериш топширилади.

Ўқитувчи фойдаланиши учун материаллар:

HANDOUT 1

The English dialects

There are five contemporary territorial English dialects:

1. Southern. 2. Western. 3. Eastern. 4. Midland. 5. Northern

- Let's consider The Southern territorial dialect (the literary dialect).

This dialect falls under 10 sub dialects and includes:

- 1) a part of Pembrokeshire and Glamorganshire.
- 2) Wiltshire, Dorsetshire, Northern and Eastern parts of County of Somersetshire, a considerable part of Glostershire, Southern Western part of Devonshire;
- 3) A major part of Hampshire, Island of White (White Island), a major part of Berokshire, the southern part of Sarrey, western part of Sassex.
- 4) Northern Glastershire, Eastern Herfordshire, Woostershire, north of Oxfordshire, southeast of Northamptonshire.
- 5) A major part of the County of Oxfordshire.
- 6) north of the county of Sarrey, northeast of Kent.
- 7) A considerable part of the county of Sussex.
- 8) Western part of Somersetshire, northern eastern Devonshire.

9) Eastern Cornwall, a major part of Devonshire.

10) Western Cornwall.

HANDOUT 2

1. What kinds of nouns are called place names (toponyms)?
2. What can help you to understand the form and the meaning of nouns that represent place names?

HANDOUT 3

1. Cambridge - Кембридж
2. Scotland- Шотландия
3. England- Англия
4. Ireland- Ирландия
5. Northern Glastershire - Шимолий Гластершир
6. Eastern Herfordshire – шарый Херфордшир
7. Woostershire - Вустершир
8. North of Oxfordshire - Оксфордшир шимоли
9. Southeast of Northamptonshire- Нортгемтоншир жанубий шарки
10. A major part of the County of Oxfordshire - .Оксфордшир графлигининг катта қисми
11. North of the county of Sarrey- Сарэй графлигининг шимоли
12. Northeast of Kent –Кентнинг шимолий шарки

HANDOUT 4:

London – the capital of the UK - (*translate: London is situated right on the Thames*)

Oxford is one of the oldest cities in the UK/
(*translate.....*)

Norwich is an educational centre where there is a university for language education (*translate.....*).

Leeds is an important chemical centre of the country with an annual output for millions of pounds (*translate.....*)

Cambridge is situated in the west eastern part of the country.

(*Translate.....*)

The Severn is the longest river in Britain (*translate.....*)

Stratford upon Avon is William Shakespeare's hometown
(*translate.....*)

Trafalgar square is famous for the monument to Nelson and the statues of lions (*translate.....*).

The Thames is a belt of London, but its water is very dirty because of various wastes in it.

Юқоридаги иш услубидан күриниб турибдики, дарсда интерактив методларга таянган ҳолда ўқитувчи талабаларга мавзуга оид лексемаларни интеграллашган малака ва қўникма (ўқиши, ёзиши, гапириши ва тинглаб тушиниш(эшитиш) ларни шакллантиришиш орқали ўргатишга эришади [16], ваҳоланки бундай педагогик-психологик ва методик вазиятда талабаларда мавзуга оид инглиз тилидаги топнимемаларни қизиқиб, чукур ўрганишга хоҳиши кучаяди ва уларни ўз нутқларида онгли равишда эркин ва самарали қўллай олишларига пухта замин яратилади [1, 3-6].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Bolitho, R. (1998) Language Awareness in the English Classroom. English Teaching Professional, 6 January, 3-6;
2. Calzoni, D. (2003) Homework with a Difference. (On action research). English Teaching Professional, 27 April 2003, 50-52;
3. Ganiyeva, G. (2020). CLASSIFICATION OIF TOPOONYMS IN FAREWELL TO ARMS AND WAYS OF TRANSLATTNG THEM. Архив Научных Публикаций JSPI.
4. Ganiyeva,G.(2020). COMMUNICATIVE AND PRAGMATIC CHARACTERISTICS OF TOPOONYMS IN ENGLISH AND UZBEK AND THEIR IMPORTANCE IN TRANSLATION. Архив Научных Публикаций JSPI.
5. Ganiyeva, G. (2020). Comparative study of communicative-pragmatic types of English and Uzbek toponymemes. Архив Научных Публикаций JSPI, 1-7.

6. Ganiyeva, G. (2020). Dealing with the problems of toponyms using types of translation. Архив Научных Публикаций JSPI.
7. Ganiyeva, G. (2020). DEFINITIONS OF TOPONYMS AND THE FUNCTIONS OF THEM. Архив Научных Публикаций JSPI, 1-4.
8. Ganiyeva, G. (2020). Xозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида топонимларнинг лингвокогнитив асослари. Архив Научных Публикаций JSPI.
9. Ganiyeva, G. (2020). The role of toponyms in organizing teaching process. Архив Научных Публикаций JSPI, 1-4.
10. Ganiyeva, G. (2020). Toponyms And The Expression Of “Toponymical Conceptual Semantics” In Them. Архив Научных Публикаций JSPI.
11. Ganiyeva, G., & Sirojiddinova, S. (2020). The classification of toponyms according to their veried traits in English and Uzbek. Архив Научных Публикаций JSPI, 1-3.
12. Medgye, P. (1986) Queries from a Communicative Teacher. English Language Teaching Journal, 40(2), 107-112;
13. Mills. A.D. (1991) Dictionary of British Place – Names, Oxford.(revised reprint 2011)
14. Mohamed, N. (2004) Assessment for the Right Reasons. English Teaching Professional, 31 March, 12,14;
15. Senior, R. (2005). Keeping Control in Communicative classrooms. English Teaching Professional, 40;
16. Zahirovna, G. G. (2019). ANALYSES OF TOPONYMS AND THEIR CLASSIFICATION IN “A FAREWELL TO ARMS” BY ERNEST HEMINGWAY. Вестник науки и образования, (24-3 (78)).